

Мусулмон киши учун ишининг пухталиги муҳимдир



11:00 / 06.10.2021 1297

Шайх, доктор Нуриддин Итр раҳимаҳуллоҳ дедилар:

«Ҳар бир салоҳият соҳибини, хоссатан, ҳадис илмлари талабаларини компьютерни барча имкониятлари билан мукамал тўлиқ ўрганишга чақирамиз. Компьютерда бугунги кунда ишлаб чиқилган кўплаб илмий дастурлар орқали, айниқса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўрганишда унинг эътибор ва таҳсинга лойиқ кўплаб жиҳатлари бор. Улардан:

1. Керакли маълумот ёки керакли ҳадисни ҳавола ва манбалар орқали топишда осонлик;
2. Кўпгина вақтни тежаш, ҳар бир тадқиқотчи, ҳар бир мусулмон киши учун вақт муҳофазаси ва бажараётгани ишини пухталиги ва сифати муҳимдир.
3. Уй- жой, маконни иқтисод қилиниши. Яъни, қулай дастурлар жой банд этмайди, масофаларни қисқартиради.
4. Турли илмлар ва маданиятлар ўртасидаги алоқаларнинг енгиллиги ва қулайлиги.

